

**Давлат мактабгача таълим ташкилотларида
аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш тўғрисида
1/4Б-сонли ШАРТНОМА**

2022 йил “05” январ

Самарканд шаҳар

Кейинги ўринларда аутсорсер деб аталадиган “Жасур” фермер хўжали номидан Устав асосида фаолият юритувчи корхона раҳбари Ж.Ўроков бир томондан, матнда кейинги ўринларда “буюртмачи” деб аталадиган, Устав асосида фаолият юритувчи Самарканд шаҳар мактабгача таълим бўлими номидан мудир С.Номиров иккинчи томондан (кейинги ўринларда – томонлар) қуйидагилар ҳақида ушбу шартномани туздилар.

I. Шартноманинг предмети

1.1. Самарканд шаҳар мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 10,12,40,50,63,64,65,100,105,106, 109,112,114,118,119,-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотларида рўйхатда турувчи тарбияланувчиларни амалдаги санитария коидалари ва гигиена нормативларига мувофиқ бир кунда 3 (уч) маҳал (нонушта, тушлик, иккинчи тушлик), ҳафтада 5 (беш) кун овқатлантириш мазкур шартноманинг предмети ҳисобланади.

1.2. Тарбияланувчиларни бир кунда 3 (уч) маҳал овқатлантириш бўйича 10 (ўн) иш кунлик таомнома давлат мактабгача таълим ташкилотлари билан келишган ҳолда аутсорсер томонидан тузилади ва тасдиқланади.

1.3. Шартнома қиймати давлат мактабгача таълим ташкилотларида шартнома тузилган кунда рўйхатда турган тарбияланувчилар сони ва маҳсулотлар нархларига мувофиқ 179 723 817,0 (бир юз етмиш тўққиз миллион етти юз йигирма уч минг саккиз юз ўн етти) сўмни ташкил этади.

Агарда мазкур давлат мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчилар сони кўпайганида мазкур шартномага қўшимча келишув тузилади.

Тарбияланувчилар ёшлари	Тарбияланувчилар ёшлари	СанҚваМ бўйича бир нафар болани бир кунлик овқатлантириш харажати*	Шартнома амал қилиш муддати давомида иш кунлари сони	Жами	Устама		Шартноманинг умумий қиймати
					%	сумма	
1	2	3	4	5=2*3*4	6	7	8=5+7
3-4 ёш	564	10 465	29	171 165 540	5	8 558 277	179 723 817
4-7 ёш							
Жами	564		29	171 165 540		8 558 277	179 723 817

*) Санитария коидалари ва меъёрлари бўйича бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати ҳисоб-китоби 1-иловада келтирилади.

Ушбу шартнома тузилган кунда мазкур давлат мактабгача таълим ташкилотида 3-4 ёшли рўйхатда турувчи тарбияланувчилар сони – 564 нафар, бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати – 10 465,0 сўмни ташкил этади.

Санитария коидалари ва меъёрлари бўйича бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати ҳисоб-китоби 1-иловада, ойма-ой тўлов жадвали 2-иловада келтирилади.

Тўловлар давлат мактабгача таълим ташкилотида ҳар кунлик ҳақиқатда бўлган тарбияланувчилар сонига қараб расмийлаштирилган ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

1.4. Амалдаги санитария коидалари ва меъёрлари асосида овқат тайёрлаш учун ишлатиладиган маҳсулотларнинг тасдиқланган нархлари ўзгариши ҳамда давлат мактабгача таълим ташкилотида тарбияланувчилар сонининг ўзгариши ҳисобига бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш харажати шартномада келтирилганига нисбатан 10% ва ундан юқори кўрсаткичга фарқ қилган ҳолларда шартномага томонларнинг келишувига асосан ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсернинг ҳуқуқлари:

фойдаланиладиган коммунал хизматлар қиймати белгиланган лимит ва давлат мактабгача таълим ташкилотига ажратилган бюджет маблағлари доирасида қопланишини талаб қилиш;

ижара шартномаси доирасида аутсорсерга вақтинча фойдаланишга бериладиган ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идиш-товоклари ва мебеладан фойдаланганлик учун тўловни ноль ставка бўйича олиш;

кўрсатган хизматлар учун тўловни шартномада белгиланган миқдор ва муддатда талаб қилиш.

Аутсорсер конунчиликда тақиқланмаган бошка ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

2.2. Аутсорсернинг мажбуриятлари:

тарбияланувчиларни соғлом овқатлантириш хизматини давлат мактабгача таълим ташкилот ошхонасининг ўзида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ тўлиқ ва сифатли ташкил этиш;

таомномаларни 10 иш кунлик намунавий таомномалар асосида ҳудудий давлат санитария эпидемиологик осойишталиги хизматига бир нусха тақдим қилган ҳолда овқатлантиришни ташкил этиш;

таомларни овқат тайёрлаш технологиясига тўлиқ амал қилган ҳолда тайёрлаш;

таомлар тайёрлаш технологияси бўйича мутахассислар (инженер-технолог, диетолог, ошпазлар) билан таъминлаш;

таомномалар, тайёр таомларнинг вазни, нархи, таркибидаги маҳсулотлар миқдорлари, технологик карталарнинг тўғри ва тўлиқ юритилишини таъминлаш;

танлов жараёнида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш бўйича тақлиф қилган инвестиция мажбуриятларини 3-иловада белгиланган муддатларда бажариш;

бажарилган инвестиция мажбуриятлари бўйича товар-моддий бойликлар қайтарилмаслигини инобатга олиш.

Аутсорсерга конунчиликда тақиқланмаган бошка мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

2.3. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

аутсорсинг усулида овқатлантиришни амалга ошириш учун қўйилган талаблар бажарилишини ўрганиш;

тайёр таомлар сифатининг таомномага мувофиқлигини текшириш;

тайёр таомларнинг миқдори, мазаси, таркибидаги маҳсулотларнинг сифати бўйича камчиликлар аниқланган ҳолатда ваколатли органларга билдирги киритиш;

харид қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёрланаётган таомлар, уларда фойдаланиладиган технологик санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослигини, ошхона ходимларининг санитария-гигиена талаблари ва эпидемияга қарши тадбирлар бажарилишига риоя этилишини тасдиқланган режага асосан назорат қилиш;

танлов жараёнида санитария қоидалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш бўйича аутсорсер томонидан тақлиф қилинган инвестиция мажбуриятларини 3-иловада белгиланган муддатларда бажарилишини талаб қилиш, мониторинг қилиш;

аутсорсер томонидан бажарилган инвестиция мажбуриятлари бўйича товар-моддий бойликлар қайтарилмаслигини таъминлаш.

Буюртмачи конунчиликда тақиқланмаган бошка ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

2.4. Буюртмачининг мажбуриятлари:

фойдаланиладиган коммунал хизматлар харажатларини белгиланган нормалар асосида давлат мактабгача таълим ташкилотининг харажатлар сметасида мавжуд бюджет маблағлари ва ота-оналар тўловидан тушумлар ҳисобидан қоплаш;

ижара шартномаси доирасида аутсорсерга вақтинча фойдаланишга бериладиган ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идиш-товоклари ва мебеллардан фойдаланиш учун ноль ставкада топшириш;

кўрсатилган хизматлар учун шартномада белгиланган миқдор ва муддатда тўловни амалга ошириш;

аутсорсер томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилиши жараёнидаги товар-моддий бойликлар ва таъмирлаш ишлари марказлаштирилган бухгалтерия хизмати томонидан ўз вақтида кирим қилиниши ва ҳисобга олинишини таъминлаш.

Буюртмачига конунчиликда тақиқланмаган бошка мажбуриятлар ҳам юкланиши мумкин.

III. Кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш

3.1. Давлат мактабгача таълим ташкилоти ҳар куни эрталаб соат 9:00 га қадар шу куни давлат мактабгача таълим ташкилотига келган, овқатлантирилиши лозим бўлган тарбияланувчилар сони бўйича белгиланган шаклга мувофиқ аутсорсерга буюртма беради.

3.2. Аутсорсер давлат мактабгача таълим ташкилоти томонидан тақдим этилган тарбияланувчиларнинг ҳақиқий сонидан келиб чиққан ҳолда таомнома тузади ҳамда ушбу таомнома асосида овқатлантиришни амалга оширади.

3.3. Аутсорсер ҳар 10 (ўн) иш кунда буюртмачига кунлик таомномаларни илова қилган ҳолда ҳисоб-фактура ва кўрсатилган хизматлар далолатномасини тақдим этади.

3.4. Буюртмачи:

ҳар ойнинг 15 санасига қадар жорий ойнинг режавий иш ҳажмига (шартномага илова қилинган тўлов жадвалига) қараб 15 фоиз миқдорда олдиндан тўловларни амалга оширади;

аутсорсер томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура ва кўрсатилган хизматлар далолатномаси асосида кўрсатилган хизматлар бўйича маблағларни жорий ойнинг 25 санасига қадар аутсорсерга ўтказиб беради, жорий ойнинг қолган кунлари учун тўловлар кейинги ой учун тўланадиган маблағларга қўшиб ўтказилади.

IV. Шартнома бўйича жавобгарлик

4.1. Аутсорсер қуйидагиларга жавобгардир:

овкатларни фақат давлат мактабгача таълим ташкилоти ошхонасининг ўзида тайёрлашга (истисно тариқасида Комиссиянинг қарори билан марказлашган ҳолда тайёрлаш ва етказиб бериш);

овкат тайёрлашда тегишли сертификат ва сифатни белгилловчи бошқа ҳужжатларга эга бўлган маҳсулотлардан фойдаланишга;

тайёрланган овкатларнинг амалдаги санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқлигига;

тайёрланган таомларни технология қоидаларига риоя қилган ҳолда белгиланган таомларни тайёр ҳолдаги вазнига мутаносиблигига;

тайёрланган овкатларнинг сифати бузилмасдан болаларга берилишига, болаларга ачиган, айниган ва бошқа кўринишда ўз сифатини йўқотган овкатларни бермасликка;

таомномада маҳсулотларнинг ҳақиқий нархларини ҳамда ҳақиқатда овқатланган болалар сонини тўғри кўрсатилишига;

кунлик таомномаларни мактабгача таълим ташкилоти раҳбарига белгиланган вақтда етказилишига;

ўзига бириктирилган ва тегишли шартномалар асосида вақтинча фойдаланишга берилган буюртмачининг мулкни бут сакланиши ва тежамкорлик билан фойдаланилишига;

кўрсатилган хизматлар бўйича тасдиқловчи ҳужжатларни белгиланган шаклларга мувофиқ ҳамда белгиланган муддатларда буюртмачига тақдим этишга;

танлов жараёнида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш бўйича таклиф қилган инвестиция мажбуриятларини 3-иловада белгиланган муддатларда бажаришга;

бажарилган инвестиция мажбуриятлари бўйича товар-моддий бойликлар қайтарилмаслигини инобатга олишга.

4.2. Буюртмачи қуйидагиларга жавобгардир:

ижара шартномаси доирасида аутсорсерга вақтинча фойдаланишга бериладиган ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари, идиш-товоклари ва мебеллардан фойдаланиш учун ноль ставкада топширишга;

кўрсатилган хизматлар учун мазкур шартномада белгиланган миқдор ва муддатларда тўловларни амалга ошириш;

давлат мактабгача таълим ташкилотига ҳақиқатда келган тарбияланувчилар сони тўғрисидаги маълумотларни белгиланган шакл ва муддатларда аутсорсерга топширилишини таъминлаш;

танлов жараёнида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш бўйича аутсорсер томонидан таклиф қилинган инвестиция мажбуриятларини 3-иловада белгиланган муддатларда бажарилишини талаб қилишга, мониторинг қилишга;

аутсорсер томонидан бажарилган инвестиция мажбуриятлари бўйича товар-моддий бойликлар қайтарилмаслигини таъминлашга;

аутсорсер томонидан инвестиция мажбуриятлари бажарилиши жараёнидаги товар-моддий бойликлар ва таъмирлаш ишлари марказлаштирилган бухгалтерия хизмати томонидан ўз вақтида қирим қилиниши ва ҳисобга олинишини таъминлашга.

4.3. Аутсорсер томонидан овқатлантириш хизматларини белгиланган вақтларда амалга оширмаса ёки Буюртмачи томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилмаса ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

V. Форс-мажор ҳолатлар

5.1. Форс-мажор ҳолатларда, башарти, мажбуриятни ижро этмаслик шартнома тузилганидан кейин рўй берган бартараф этиб бўлмас куч таъсиридаги вазият оқибати бўлса, ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаслик бўйича томонлар жавобгар бўлмайди.

VI. Бошқа шартлар

6.1. Шартнома юзасидан келишмовчиликлар талабнома юбориш ва музокаралар ўтказиш йўли билан бартараф қилинади. Агарда томонлар келишувга эришмасалар низолар тегишли ҳудуддаги иктисодий судлар орқали ҳал этилади.

6.2. Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

6.3. Бир нафар тарбияланувчини бир кунлик овқатлантириш амалдаги Санитария қоидалари ва меъёрлари бўйича амалга оширилади.

VII. Шартноманинг амал қилиши ва бекор қилиниши

7.1. Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амалда бўлади.

«АУТСОРСЕР»

«БУЮРТМАЧИ»

«Болалар келажиги ошхонаси»МЧЖ
Самарқанд вилояти Самарқанд тумани
Қўлба ҚФЙ
Тел: 998-97-911-42-71
ИНН: 202109590
“Хамкор банк” Самарқанд филиали
х/р: 20208000600323047001
МФО: 01030, ОКЭД: 81 100

Самарқанд шаҳар мактабгача таълим бўлими
Самарқанд шаҳар Х.Абдуллаев кўчаси 63-уй
Тел:
ИНН:207267131
Шхв:100022860184017091100251001
Самарқанд шаҳар бўйича Ҳазначилик бўлини маси
Ҳаз х/в 23402000300100001010
Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси
ХККММФС 100014 ИНН: 201122919



Раҳбар:

Ж.Ўроқов



Бўлим раҳбари

С.Номиров

Санитария қоидалари ва меъёрлари бўйича бир нафар тарбияланувчини
биркунлик овқатлантириш харажати
ҲИСОБ-КИТОБИ

Т/р	Маҳсулотлар номи	Нархи (сўм)	Миқдор и (грамм) *	Суммаси** (сўм)
1.	Нон 1-навли (витамин ва минераллар билан бойитилган)	1500	90	135
2.	Бўғдой уни 1-навли	5000	25	125
3.	Мевали кисел тайёрлаш учун крахмал		3	0
4.	Ёрмалар, макарон маҳсулотлари	12000	35	420
	жумладан, мош	18000	3	54
5.	Шакар	11000	20	220
6.	Қандолат маҳсулотлари (мураббо, джем, гематоген ва бошқ.)	15000	10	150
7.	Сарёғ	65000	15	975
8.	Ўсимлик ёғи	24000	7	168
9.	Табиий сут	8000	180	1440
10.	Кефир, йоғурт	5000		0
11.	Сметана	30000	5	150
12.	Творог	38000	20	760
13.	Пишлоқ	40000	8	320
14.	Гўшт (мол гўшти, қўй гўшти, парранда гўшти, қуён гўшти)	65000	60	3900
15.	Балиқ (тозаланган ва музлатилган)	45000	20	900
16.	Тухум (дона)	1200	0,5	600
17.	Картошка	5000	100	500
18.	Сабзавотлар	3000	150	450
	жумладан, томатпаста	25000	3	75
19.	Мевалар, мева шарбатлари, витаминли ичимликлар	15000	130	1950
20.	Қурук мевалар	55000	10	550
21.	Чой	40000	0,3	12
22.	Какао	60000	2	120
23.	Йодланган туз	3500	4	14
24.	Ачитқилар (дрожлар)	30000	1	30
	Жами	X		14 018,0

Изоҳ: 24 турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг 3-4 ёшли тарбияланувчиларга ҳар куни берилмаслиги ва мол, товуқ ҳамда қуён гўштилари орасидаги нарх тафовути ҳисобга олинган ҳолда бир нафар тарбияланувчига бир кунлик озиқ-овқат харажати ўртача 10 465 (ун минг тўрт юз олтимиш беш) сўмни ташкил этиши тўғрисида томонлар ўртасида келишилди.

Самарқанд шаҳар мактабгача таълим бўлими
мудири

С.Номиров

"Жасур" фермер хўжалиги раиси

Ж.Ўроқов

Санитария қоидалари ва меъёрлари бўйича бир нафар тарбияланувчини
биркунлик овқатлантириш харажати
ҲИСОБ-КИТОБИ

Т/р	Маҳсулотлар номи	Нархи (сўм)	Микдори (грамм)*	Суммаси** (сўм)
1.	Нон 1-навли (витамин ва минераллар билан)	1500	100	150
2.	Бўғдой уни 1-навли	5000	30	150
3.	Мевали кисел тайёрлаш учун крахмал		3	0
4.	Ёрмалар, макарон маҳсулотлари	12000	45	540
	жумладан, мош	18000	3	54
5.	Шакар	11000	25	275
6.	Қандолат маҳсулотлари (мураббо, джем,	15000	10	150
7.	Сарғ	65000	20	1300
8.	Ўсимлик ёғи	24000	8	192
9.	Табиий сут	8000	200	1600
10.	Кефир, йогурт	5000	100	500
11.	Сметана	30000	5	150
12.	Творог	38000	20	760
13.	Пишлоқ	40000	10	400
14.	Гўшт (мол гўшти, қўй гўшти, парранда гўшти, қуён гўшти)	65000	80	5200
15.	Балиқ (тозаланган ва музлатилган)	45000	20	900
16.	Тухум (дона)	1200	0,5	600
17.	Картошка	5000	120	600
18.	Сабзавотлар	3000	180	540
	жумладан, томатпаста	25000	3	75
19.	Мевалар, мева шарбатлари, витаминли ичимликлар	15000	150	2250
20.	Курук мевалар	55000	10	550
21.	Чой	40000	0,3	12
22.	Какао	60000	2	120
23.	Йодланган туз	3500	5	17,5
24.	Ачитқилар (дрожлар)	30000	1	30
	Жами	X		17 115,5

Изоҳ: 24 турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг 4-7 ёшли тарбияланувчиларга ҳар куни берилмаслиги ва мол, товуқ ҳамда қуён гўштлири орасидаги нарх тафовути ҳисобга олинган ҳолда бир нафар тарбияланувчига бир кунлик озиқ-овқат харажати ўртача 12 650 (ўн икки минг олти юз эллик) сўмни ташкил этишини тўғрисида томонлар ўртасида келишимдир.

"Жасур" фермер ҳўжалиғи раиси

Ж.Ўроқов

"Жасур" фермер хўжалик билан 05 январдаги №1/4Б-сонли аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бўйича шартнома бўйича тўловларни амалга ошириш графиги

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			сўмда Жами
	42 52 300			
Январь	61 025 000,0			61 025 000,0
Февраль	61 025 000,0			61 025 000,0
Март	57 673 817,0			57 673 817,0
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	179 723 817,0			179 723 817,0

Жами 179 723 817,0 сўм

Бир юз етмиш тўққиз миллион етти юз йигирма уч минг саккиз юз
ўн етти сўм 00 тийин
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 26 958 572,0 сўм ёки 15% шартноманинг умумий суммасидан
2022 январ ойида тўланиши лозим.




(имзо) Номиров Салоҳиддин Носирович
Ф.И.Ш.


(имзо) Эгамбердиев Жавлон Рабимович
Ф.И.Ш.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
SAMARQAND VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI
SAMARQAND SHAHAR YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

170800, Samarqand shahar, Kurchatov ko'chasi, 9-uy,
tel.: (998 66) 233 34 37, el.pochta: Samarqandyurmarkazi@mail.ru

2022 yil 27-yanvar__-son

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA
SHARTNOMA

Buyurtmachi "Samarkand shahar maktabgacha ta'lim bo'limi" hamda bajaruvchi "Jasur" FX tomonidan tuzilgan № 1/4Б- sonli shartnomasi to'g'risida.

Samarqand shahar maktabgacha ta'lim bo'limi tasarrufidagi 10,12,40,50,63,64,65,100,105,106,109,112,114,118,119, -sonli davlat maktabgacha ta'lim tashkilotlarida ro'yxatda turuvchi tarbiyalanuvchilarni amaldagi sanitariya qoidalari va gigiena normativlariga muvofiq bir kunda 3 (uch) mahal (nonushta, tushlik, ikkinchi tushlik), haftada 5 (besh) kun ovqatlantirish mazkur shartnomaning predmeti hisoblanadi.

Kontraktning umumiy summasi 179 723 817,0 (bir yuz yetmish to'qqiz million yetti yuz yigirma uch ming sakkiz yuz o'n yetti) so'mni tashkil qiladi.

Mazkur kontrakt g'aznachilik bo'linmalarida majburiy ro'yxatga olingan vaqtdan kuchga kiradi va 2022-yil 31-dekabrgacha amal qiladi.

"Samarkand shahar maktabgacha ta'lim bo'limi" hamda bajaruvchi "Jasur" FX tomonidan tuzilgan № 1/4Б- sonli shartnomasi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, "Xo'jalik yurituvchi subektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi" to'g'risidagi qonun hamda O'zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi 684-son "Davlat xaridlari to'g'risida»gi qonuning talablariga muvofiq tayyorlangan.

Samarkand shahar maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan
05.01.2022-yil ishlab chiqilgan va 26.01.2022-yil tizimga qayta kiritilgan

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Samarqand shahar
Yuridik xizmat ko'rsatish
Markazi Bosh yuriskonsulti



2022-yil 27-yanvar

N.Usmonov

Шартномага 3-ИЛОВА

Аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этишда санитария қондалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароитларни яратиш бўйича “Жасур” фермер хўжалиги томонидаи киритиладиган инвестиция
ТАҚСИМОТИ

Т/Р	Амалга ошириладиган ишлар	Бажариш муддатлари	Сарфланадиган маблағ (сўм)
156- сонли лотдаги 114 МТТ			
1	Ошхона учун анжомлар билан таъминлаш	31-март 2022 йил	18 534 090
2	Ошхонани технологик жихозлар билан таъминлаш	30 июн 2022 йил	48 839 599
3	Мактабгача таълим муассасаси ошхонасида капитал таъмир ишлари олиб бориш (тахминий таъмир сметаси асосида)	20 феврал 2022 й	82 902 226,00
	Жами	x	150 275 915,00
156- сонли лотдаги 112 МТТ			
4	Ошхона учун анжомлар билан таъминлаш	31-март 2022 йил	18 534 090
5	Ошхонани технологик жихозлар билан таъминлаш	30 июн 2022 йил	48 839 599
6	Мактабгача таълим муассасаси ошхонасида капитал таъмир ишлари олиб бориш (тахминий таъмир сметаси асосида)	30 май 2022 й	82 902 226,00
	Жами	x	150 275 915
156- сонли лотдаги 119 МТТ			
7	Ошхона учун анжомлар билан таъминлаш	31-март 2022 йил	18 534 090
8	Ошхонани технологик жихозлар билан таъминлаш	30 июн 2022 йил	48 839 599
9	Мактабгача таълим муассасаси ошхонасида капитал таъмир ишлари олиб бориш (тахминий таъмир сметаси асосида)	31 апрел 2022 й	82 902 226,00
	Жами	x	150 275 915,00
156- сонли лотдаги 12 МТТ			
10	Ошхона учун анжомлар билан таъминлаш	31-март 2022 йил	10 293 595
11	Ошхонани технологик жихозлар билан таъминлаш	30 июн 2022 йил	48 839 599
12	Мактабгача таълим муассасаси ошхонасида капитал таъмир ишлари олиб бориш (тахминий таъмир сметаси асосида)	30 сентябр 2022 й	82 902 226,00
	Жами	x	142 035 420,00
156- сонли лотдаги 100 МТТ			
13	Ошхона учун анжомлар билан таъминлаш	31 март 2022 йил	10 293 595
14	Ошхонани технологик жихозлар билан таъминлаш	30 июн 2022 йил	48 839 599
15	Мактабгача таълим муассасаси ошхонасида капитал таъмир ишлари олиб бориш (тахминий таъмир сметаси асосида)	30 сентябр 2022 й.	82 902 226,00

	Жами	x	142 035 420,00
156- сонли лотдаги 118 МТТ			
16	Ошхона учун анжомлар билан таъминлаш	31-март 2022 йил	10 293 595
17	Ошхонани технологик жихозлар билан таъминлаш	30 июн 2022 йил	48 839 599
18	Мактабгача таълим муассасаси ошхонасида капитал таъмир ишлари олиб бориш (тахминий таъмир сметаси асосида)	30 сентябр 2022 й	82 902 226,00
	Жами	x	142 035 420,00
146- сонли лотдаги 64 МТТ			
19	Ошхона учун анжомлар билан таъминлаш	31-март 2022 йил	18 534 090
20	Ошхонани технологик жихозлар билан таъминлаш	30 июн 2022 йил	48 839 599
21	Мактабгача таълим муассасаси ошхонасида капитал таъмир ишлари олиб бориш (тахминий таъмир сметаси асосида)	31 август 2022 й	82 902 226,00
	Жами	x	150 275 915,00
146- сонли лотдаги 65 МТТ			
22	Ошхона учун анжомлар билан таъминлаш	31-март 2022 йил	18 534 090
23	Ошхонани технологик жихозлар билан таъминлаш	30 июн 2022 йил	48 839 599
24	Мактабгача таълим муассасаси ошхонасида капитал таъмир ишлари олиб бориш (тахминий таъмир сметаси асосида)	28 феврал 2022 й	82 902 226,00
	Жами	x	150 275 915,00
146- сонли лотдаги 63 МТТ			
25	Ошхона учун анжомлар билан таъминлаш	31-март 2022 йил	18 534 090
26	Ошхонани технологик жихозлар билан таъминлаш	30 июн 2022 йил	48 839 599
27	Мактабгача таълим муассасаси ошхонасида капитал таъмир ишлари олиб бориш (тахминий таъмир сметаси асосида)	31 август 2022 й	82 902 226,00
	Жами	x	150 275 915,00
146- сонли лотдаги 50 МТТ			
28	Ошхона учун анжомлар билан таъминлаш	31-март 2022 йил	10 293 595
29	Ошхонани технологик жихозлар билан таъминлаш	30 июн 2022 йил	48 839 599
30	Мактабгача таълим муассасаси ошхонасида капитал таъмир ишлари олиб бориш (тахминий таъмир сметаси асосида)	30 сентябр 2022 й	82 902 226,00
	Жами	x	142 035 420,00
146- сонли лотдаги 40 МТТ			
31	Ошхона учун анжомлар билан таъминлаш	31-март 2022 йил	10 293 595
32	Ошхонани технологик жихозлар билан таъминлаш	30 июн 2022 йил	48 839 599
33	Мактабгача таълим муассасаси ошхонасида капитал таъмир ишлари олиб бориш (тахминий таъмир сметаси асосида)	31 август 2022 й	82 902 226,00
	Жами	x	142 035 420,00
158- сонли лотдаги 106 МТТ			

34	Ошхона учун анжомлар билан таъминлаш	31-март 2022 йил	18 534 090
35	Ошхонани технологик жихозлар билан таъминлаш	30 июн 2022 йил	48 839 599
36	Мактабгача таълим муассасаси ошхонасида капитал таъмир ишлари олиб бориш (тахминий таъмир сметаси асосида)	30 июн 2022 йил	82 902 226,00
	Жами	х	150 275 915,00
158- сонли лотдаги 105 МТТ			
37	Ошхона учун анжомлар билан таъминлаш	31-март 2022 йил	18 534 090
38	Ошхонани технологик жихозлар билан таъминлаш	30 июн 2022 йил	48 839 599
39	Мактабгача таълим муассасаси ошхонасида капитал таъмир ишлари олиб бориш (тахминий таъмир сметаси асосида)	30 июн 2022 йил	82 902 226,00
	Жами	х	150 275 915,00
158- сонли лотдаги 10 МТТ			
40	Ошхона учун анжомлар билан таъминлаш	31-март 2022 йил	10 293 595
41	Ошхонани технологик жихозлар билан таъминлаш	30 июн 2022 йил	48 839 599
42	Мактабгача таълим муассасаси ошхонасида капитал таъмир ишлари олиб бориш (тахминий таъмир сметаси асосида)	30 сентябр 2022 йил	82 902 226,00
	Жами	х	142 035 420,00
158- сонли лотдаги 109 МТТ			
43	Ошхона учун анжомлар билан таъминлаш	31-март 2022 йил	10 293 595
44	Ошхонани технологик жихозлар билан таъминлаш	30 июн 2022 йил	48 839 599
45	Мактабгача таълим муассасаси ошхонасида капитал таъмир ишлари олиб бориш (тахминий таъмир сметаси асосида)	30 сентябр 2022 йил	82 902 226,00
	Жами	х	142 035 420,00
Жами МТТ лар бўйича			2 196 455 260,00



"Жасур" фермер хўжалиги раиси:

Ж.Ўроков